

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Исломова, Ҳ.Жўраев	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини	189
О.Абобакирова, М.Жабборова	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари	192
Г.Касимова	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот	196
М.Раҳмонов	
Сўзнинг саломатликка таъсири	199
М.Амонов	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида	202
Г.Умаржонова	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси	206
Х.Шокирова	
Лисоний белги концепцияси	209
З.Маруфова	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини	212
И.Аҳмаджонов	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир	215
Н.Махмудова	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари	219
А.Ахтямов	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили	222
З.Маматқулова	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи	226
Х.Максудова	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат	230
Э.Абдуллаева	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида	234
Ш.Хошимова	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини	238
Ф.Абдурахимова	
Сўз ясалишида ички форма	243

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони	247

УДК: 811.512.133.008:001.8

“ГЎЗАЛЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАЛҚИНИ
ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКОЕ ТОЛКОВАНИЕ КОНЦЕПТА «КРАСОТА»
LINGUOPROETICAL INTERPRETATION OF THE CONCEPT "BEAUTY"

Маруфова Зулфия Набиевна¹

¹Маруфова Зулфия Набиевна

– Фарғона давлат университети, мустақил изланувчи.

Аннотация

Мақолада “гўзаллик” тушунчаси, унинг шарқона ва ғарбона талқини ҳақида сўз боради. Гўзалликнинг аёл тимсоли орқали ифодаланишида Шарқ ва Ғарбдаги гўзаллик эталонларининг фарқли ва муштарак жиҳатлари таҳлилга тортилади. Тафаккурдаги эстетик баҳо мезонларининг тилда вербаллашуви ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматривается понятие «красота», его восточные и западные трактовки. В представлении красоты через образ женщины анализируются различные и общие аспекты стандартов красоты на Востоке и Западе. Рассматривается вербализация критериев эстетической оценки в языке.

Annotation

The article examines the concept of "beauty", its eastern and western interpretations. In the representation of beauty through the symbol of a woman, various and general aspects of beauty standards in the East and in the West are analyzed. The verbalization of the criteria of aesthetic assessment in the language is considered.

Таянч сўз ва иборалар: гўзаллик, вербаллашув, Шарқ, Ғарб, аёл, тимсол, эстетик баҳо, миллий-этник қадриятлар.

Ключевые слова и выражения: красота, вербализация, Восток, Запад, женщина, символ, эстетическая оценка, национально-этнические ценности.

Key words and expressions: beauty, verbalization, east, west, woman, symbol, aesthetic assessment, national and ethnic values.

Гўзаллик – объектдаги аспектлар уйғунлиги ва мукамаллигини ифодаловчи эстетик категория бўлиб, кузатувчига ижобий эмоция, завқ бериши билан характерлидир. Гўзаллик маданиятнинг энг муҳим категорияларидан саналади. Асрлар мобайнида ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий-эстетик диди, дунёқараши, гўзалликка бўлган муносабати, тасаввур ва талаблари шаклланиб борган. Гўзалликнинг моҳияти ва унга нисбатан ёндашувларни фалсафий-эстетик контекстда таҳлил қилган олим Б.Хусановнинг фикрига кўра, “Гўзаллик – бу, воқелик (табиат, жамият, санъат) ҳодисаси бўлиб, бирор нарсага ҳис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, маънавий қониқиш ҳолатининг вужудга келишига имкон яратади... Гўзаллик, – “чиройли”, “кўркем”, “нафис”, “жозибадор”, “мафтункор” каби тушунчаларга нисбатан устуворроқдир [4,12].

Тилшуносликда гўзалликнинг тилда вербаллашувига бағишланган бир қанча тадқиқотлар мавжуд. Ҳар қандай тилда

“гўзаллик” концептининг лексик-семантик таркибига кирувчи “завқ берувчи”, “ҳайратга солувчи”, “бенуқсон”, “ўзига тортувчи”, “ёқимли” сингари универсал семалар инсониятнинг эстетик маданиятини бир нуқтада бирлаштирувчи концептоцентриқ майдонни ҳосил қилади. Рус тилшуноси К.В.Сборошенко “Метафорическая репрезентация концепта “Красота” в современной поэзии” номли номзодлик ишида XX аср рус ва итальян шоирларининг шеърларидаги “Гўзаллик” концептини метафорик таҳлил асосида ёритиб берган. Й.В. Мешчерякованинг «Концепт «красота» в английской и русской лингвокультурах» номли диссертацияси гўзаллик концептининг лингвомаданий таҳлилларига бағишланган. Шунингдек, И.О.Окуневанинг номзодлик диссертациясида ҳам рус ва инглиз тилларидаги “Гўзаллик” концепти қиёсий аспектда ўрганилган. Раҳматова М.М. “Гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятларини ўзбек, инглиз ва тожик тиллари доирасида тадқиқ этади[5]. М. Раҳматованинг фикрича, “...турли тилларда «гўзаллик» тушунчаси ўзига соғлом, яхши,

тоза, бузилмаган, қулай, меҳрли каби белги-аломатларини ҳам сингдиради: Уларнинг ифода усуллари этник маданияти ва миллий дид нуқтаи назаридан фарқ қилади [3,12]. Гўзалликка шарқона ва ғарбона қарашлар ўзаро фарқ қилади. Шарқ мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашлари бевосита ҳурфикрликка асосланган. Ана шундай муносабат ўз навбатида тасаввуф нафосатшунослигига ҳам дахлдор. "...бу таълимот олам – Яратувчининг ижоди, Илоҳнинг кўзгуси, деб тушунтиради. Шунга кўра, жамики гўзалликлар манбаи – Мутлақ Илоҳ, воқеликдаги гўзалликлар – Илоҳ жамолининг акси; у маънавий гўзалликларни англаш ва коинот сарвари Руҳи азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилиш йўлидаги пиллапоялардир. Тасаввуфда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмади (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас, деб қаралади [5]. "Жамол", "жалол", "поклик", "мусаффолик", "зийнат" сингари иборалар тасаввуф таълимотида гўзалликка муқояса қилинади. Тасаввуф ахлоқининг тамал тоши, асоси, пойдеворида қалб гўзаллиги, юксак ақл бор. Шунингдек, шарқона гўзаллик Аёл тимсоли билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек миллий тафаккурида гўзал аёл образи қора ва шахло кўзли, киприклари узун, қошлари қора ва ёйсимон, оғзи кичкина ва лаблари ғунчасифат, қиррабурун, сочлари қора, узун ва хушбўй; юзи оқ ва ёноқлари қизил, ихчам ва келишган қоматли, бели ингичка; ибод-ҳаёли, ҳаракатлари нафис, овози ёқимли ва майин; мулойим табиатли, итоаткор бир хилқат сифатида намоён бўлади. Бадиий тасвирда юз ой ва қуёшга, кўз оҳу, жайрон каби жониворлар кўзига, ёноқлар анор ва гулга, қош камон ва ёйга, лаб лаъл ва ғунчага, қомат сарв дарахтига, бел чумоли ва арининг белига, сочлар зуннор, сунбул, ҳабаш, ҳинду, шаршара кабиларга ранг, шакл, ҳажм, хусусият жиҳатдан қиёсланади. Шарқ аёли одатда, мулойим, назокатли, ибод-ҳаёли, итоаткор ва ожиза аёл сифатида тасаввур қилинса-да, мумтоз шеърятда кўпинча ёр гўзаллигини бўрттириш ва ошиқ азобларини кучайтириб ифодалаш мақсадида маъшуқа шўх-шаддод, тошбағир ва айёр қилиб тасвирланади.

Ғарбда эса аёл гўзаллигининг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари бутунлай ўзгача. Гўзал тимсол ҳисобланмиш аёлнинг юз тузилишидаги ўзига хосликлардан ташқари табиатидаги белгилари ҳам фарқланади. Бадиий асарларда муаллифнинг эстетик баҳосига сазовор бўлган аёл, одатда, мовий кўзли, олтинранг сочли, қизил юзли; ҳаракатлари кескин ва шаддод табиатли; мағрур ва ўқимишли, ақлли инсон сифатида тасвирланади. Ирина Олегов Окуневанинг қайд этишича, рус аёлларининг гўзаллиги улардаги улуғворлик, силлиқлик, ҳаракатдаги сокинлик, мағрур қадам босиш ва ёноқлар қизиллиги каби белгиларда мужассам. Ғарб гўзаллик эталонида юзнинг ўта оппоқлиги ва терининг тозаллиги, қоматнинг нозиклиги ва келишганлиги, аёл ҳаракатларидаги энгиллик ва хушмуомалалик қадрланади [2.5]. Й.М. Брюханова. Б.Пастернак ижодини фалсафий-поэтик жиҳатдан таҳлил қилар экан, адиб ижодида гўзаллик концептининг аёл гўзаллиги билан боғлиқ жиҳатлари *эгаллик-куч-қудрат-ҳукмронлик-итоаткорлик-изтироб* ассоциациялари орқали шаклланишини асослаб беради [1].

М.Раҳматованинг таъкидлашича, "Ғарб тафаккури ўзига хос равишда *киборларга хос тарбия кўрганлик, ўқимишли қизларга хос ўзини туттиш, муомала, француз тилини билиш, рақс, мусиқадан хабардорлик* каби меъёрлар асосида гўзаллик тушунчасининг имплицит ва концептуал хусусиятлари яширинади" [3;19]. Европа адабиётида аёл сочининг олтин ранглиги, кўзларининг мовийлиги гўзаллик рамзи сифатида куйланади: **Олтин сочин куйлаб байтимда зотан, Дедим: "Ўлдирадир мени бу кўз-қош!" (Франческо Петрарканинг "Мадонна Лауранинг вафотида")**; **Сўраб ўлтирмагил яна бир карра, Қайда йўл йўқотмиш тилларанг зарра. Асл севги учун Парвардигоро Улардан сочинга бермишдир оро.**(Томас Керю— инглиз шоири) ; **Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч, Уни сўйлаб беролмам сенга. Лекин мовий кўзларинг ҳар кеч Денгиз бўлиб кўринар менга (С.Есенин).**

Аммо Шарқ ва Ғарб гўзаллик эталонларида муштарак жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни умуминсоний баҳо қадриятлари, дейиш мумкин. Сочни сунбулга, ёноқларни гулга, ҳаракат тарзини

кушларга, тишларни қимматбаҳо тошларга, юз-кўзларни ва аёлнинг ўзини осмон жисмларига ўхшатишлар Ғарб ва Шарқ гўзаллик мезонлари учун умумийдир. Масалан:

Юлдузимсан доим чорлаган,
Ҳаё қилган **хуркак кабутар**. (Одиссеас
Елитис-юнон шоири) [6]

Қўлингдан **оқликни олмиш нилуфар**,
Кокилинг тўлқини **сунбулда** аён..
Ёноғинга тақлид **оқ атиргуллар**,
Қизил атиргулда чўғинг бор
алвон. (Уильям Шекспир) [7]

Концептнинг “нутқда воқеланиш жараёни халқнинг диний, миллий қадриятларини категориялаштириш натижасида амалга ошади. Объект белгилари табиат, коинот, ижтимоий тасаввур образлари орқали вербаллаша олади ва миллий қадриятлар образли семантик майдонини вужудга келтиради” [3,21]. Гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг бу тарзда шаклланишига, юқорида айтиб ўтганимиздек, муайян халқнинг миллий-этник маданияти, фалсафий-эстетик қарашлари асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Брюханова Й. М. Форма и содержание: сущность красоты в творчестве Бориса Пастернака. Иркутск, Россия ORCID ID: –E-mail: okt28@yandex.ru
2. Окунева Ирина Олеговна. Концепт «красота» в русском и английском языках. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата филол. наук. –М., 2009
3. Раҳматова М.М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “Гўзаллик” концептнинг лисоний хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
4. Ҳусанов Б.Е. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: дисс... фал.фан.номзоди. –Т., 2004
5. Гуландом Баҳромжон қизи, тадқиқотчи “Соғлом авлод учун” журнали, 2010.
6. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/grek-sheriyati/odisseas-elitis/>
7. <https://forum.ziyouz.com/index.php?topic=6910.0>

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)